



ПАНДЕМИЯГА ҚАРШИ КУРАШ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ, ИШНИ ЯНГИТДАН ТАШКИЛ ЭТИШ БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев янги ҳафтанинг биринчи иш кунини эрта тонгдан мамлакатимизда коронавирус инфекциясига қарши кураш борасида олиб борилаётган ишларнинг чуқур танқидий таҳлилидан бошлади.

Хусусан, Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида пандемия билан боғлиқ ҳолат ҳамда уни барқарорлаштириш бўйича чора-тадбирлар давлатимиз раҳбари раислигидаги видеоселектор йиғилишида кўриб чиқилди. Президентимиз тадбир иштирокчиларига мурожаат қилар экан, пандемия билан боғлиқ вазият мураккаблигига қўлаётганини айтди. Жумладан, охириги тўрт кунда мамлакат

бўйича янги аниқланган 2 136 беморнинг 1 218 нафари (яъни, 57 фоизи) пойтахтимиз ва Тошкент вилоятига тўғри келади. Коронавирусга шубҳа бўлган барча беморларни инфекция мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларсиз, зотилжам ва нафас етишмовчилигининг клиник белгилари мавжудлигига асосланган ҳолда даволаш муассасаларига қабул қилиниши белгиланди. (Давоми 2-бетда)

АҲОЛИ СОҒЛИҒИ ВА ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРЛИГИ – ҲАЁТИЙ МУҲИМ ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 20 июль кунини, шунингдек, ҳудудларда коронавирус инфекцияси тарқалишини камайтириш ҳамда иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимиз, халқимиз жорий йил бошида ўз олдида катта мақсадлар кўйган эди. Бутун дунёга тарқалган коронавирус инфекцияси март ойида юртимизга кириб келдию режалар ўзгариб кетди. Давлатимиз биринчи навбатда одамлар соғлигини сақлаш чораларини кўрди. Республика махсус комиссияси тузилди. Тиббиёт муассасалари фавқулодда иш режимига ўтказилди. Қисқа муддатда

махсус шифохона ва карантин зоналари қурилди. Сиҳаттоғ ва оромгоҳлар карантин муассасалари сифатида мослаштирилди. Тиббиёт масканлари дори-дармон, ҳимоя ва диагностика воситалари билан етарли даражада таъминланди. Бунинг учун бюджетдан зарур маблағлар ажратилди. (Давоми 2-бетда)

ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ КўРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 20 июль кунини архитектура ва қурилиш соҳасидаги ислоҳотлар натижаларига оид тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда бунёдкорлик кўлами йил сайин кенгаймоқда. Узоқни ўйлаб, ҳудудларда урбанизация жараёни амалга ошириляпти. Қишлоқ жойларда ҳам қурилиш ишлари жадал. Булар, албатта, соҳани такомиллаштириш, шаффофликни таъминлаш, ипотека бозорини ривожлантиришни тақозо этади. Охириги уч йилда шу масалалар бўйича Президентнинг қирққа яқин қарори қабул қилинди. Бу саъй-ҳаракатларнинг изчил давоми сифатида давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 13 мартдаги фармонида қурилиш соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, бюрократик тўсиқларни камайтириш, барча босқичларда шаффофликни таъминлаш, инновацион ишланмалар ва илғор ахборот технологияларини кенг қўллаш чора-тадбирлари белгиланган эди.

Қурилиш вазирлиги олдида 337 та шаҳарсозлик қоида ва нормаларидан жорий йилда 60 тасини янгилаш вазифаси кўйилган. Йил бошида вазирликда Қурилишда техник меъёрлаш маркази ташкил этилиб, унга 15 нафар малакали мутахассис олинган. Ҳозирда 33 та янги шаҳарсозлик қоида ва нормалари ишлаб чиқилган.

Йиғилишда бу борадаги ишларни жадаллаштириш учун илғор тажрибага эга хорижий компанияни жалб этиш бўйича кўрсатма берилди. Президентимиз соҳада коррупция ва «хуфийна иқтисодиёт» ҳолатларини кескин танқид қилиб, қурилиш тендерларини ўтказиш ва пудрат ташкилотларини танлаш жараёнларини рақамлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 32 мингта пудрат ташкилоти бор. Жорий йил 1 сентябрга қадар қурилиш корхоналарининг молиявий кўрсаткичлари, тўлов қобилияти, давлат харидлари, ишчи-ҳодимлар малакаси каби маълумотларни қамраб олувчи ягона платформани ишга тушириш вазифаси кўйилди. Бу платформа 1 ноябрга қадар Тошкент шаҳрида, кейинги йил бошидан республика бўйича жорий этилади. Унга электрон меҳнат дафтарчаси тизими ҳам интеграция қилинади.

Таҳлилларга кўра, сўнгги икки йилда давлат дастурлари доирасида 3 мингдан зиёд қурилишдан ати-

ги 182 тасида тендер ўтказилган. Чунки тендер жараёнлари мураккаб ва унда нарх арзонлиги бирламчи. Қурилиш ташкилотининг малакаси, сифат масаласи паст ўринларда қўлиб кетган.

Шу босис кейинги йилдан бошлаб, янги ахборот тизимига киритилган ва рейтинг юритилаётган қурилиш-пудрат корхоналарига маблағ ажратилиши белгиланди.

Қурилиш соҳасида муаллифлик, техник ва давлат назоратини такомиллаштириш борасида алоҳида қарор қабул қилиниб, барча шароит яратиб берилган. Эндиги вазифа – назоратни ҳозиргидек қўлда эмас, балки IT-технологияларни жорий қилган ҳолда амалга ошириш кераклиги таъкидланди.

Мутасаддиларга бир ой муддатда қурилиш корхоналари ва объектлари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш вазифаси юклатилди.

Жорий йил 1 августдан бошлаб Тошкент шаҳрида, кейинги йил бошидан бошқа ҳудудларда қурилишда аниқланган барча камчиликлар фотосуратлари билан тизимга онлайн киритилади ва назорат жараёнлари автоматлаштирилади.

Қурувчи ташкилот ёки фуқароларга қурилиш жараёни тартиблари ва шартлари ҳақида тўлиқ маълумотларни исталган вақтда олиш имкониятини берувчи онлайн тизим ишга туширилади.

Барча шаҳарсозлик қоида ва нормалари интерактив кўринишга ўтказилиши, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича барча жараёнларни рақамлаштириш ҳамда экспертиза хулосаларини ягона базада сақлашни йўлга қўйиш кераклиги қайд этилди.

Бу чоралар мамлакатимизда қурилишга рухсат бериш жараёнини 254 кундан 84 кунга қисқартириш, ушбу жараёнлардаги тартиб-таомилларни 17 тадан 5 тага камайтириш, тадбиркорлар ва фуқароларнинг бу ишларга сарфланадиган вақтини 67 фоизгача қисқартириш имконини беради.

Йиғилишда мутасаддилар қурилиш соҳасини рақамлаштириш, очикликни таъминлаш, шаҳарсозлик қоида ва нормаларини янгилаш борасидаги ишлар бўйича тақдимот қилди.

Ў.А.



1000 ўринли стадион қуриб битказилмоқда

Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпир туманида жорий йилда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Туман марказидаги кўчалар кенгайтирилиб, бир нечта янги иқтисодий, ижтимоий ва маданий объектлар қуриб битказилмоқда.

Ёшларни jismoniy tarbiya va sportga keng jalb etish maqsadida qad rostlagan zamonaviy sport stadioni ana shunday yangi qurilish obyektlaridan. Ming ўringa mўljallangan stadion «GOLDEN STAR» masъuliyati cheklangan jamiyati quruvchilari tomonidan bunёд etilmokda. Qurilish ishlarini yuqunlash arafasida. Ayni paytda bunёдkorlar ўrindiqdarni joylashtirish, yuquri sh maydonchasi-da yўlaklarni chizish, yuvinish xonalariga mebelъ jixozlarini ўrnatish ishlarini bilan bанд.

Стадионда ёшлар футбол ва энгил атлетика спорт турлари билан шуғулланиши учун имкониятлар яратилган.

Суратларда: Тахтақўпир туманида 1000 ўринли стадион қуриб битказилмоқда.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (Ў.А) олган суратлар.



ТУРИЗМ РИВОЖИГА ЭЪТИБОР

Самарқанд шаҳрининг яшил ҳалқаси ҳисобланган Самарқанд туманида ҳар йили кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жорий йилда ҳам гўша улкан қурилиш майдонига айланган, десак муболага бўлмас.

Туман маркази ва маҳалларда йирик ишлаб чиқариш корхоналари, sanoat zonalarini barpo etilyapti, mevasabzavotni qayta ishlash cexlari ishga tuşuriilyapti. Ijtimoiy obyektlarni barpo qiliş, maktab, MTT va davolash muassasalari qurish avjida. Elektr energiyasi, gaz, ichimlik suv taъminotini yaxshilash, yўllarni asfallytash, xullas obodonlashtirish borasidagi saъy-harakatlar kishini xursand qilishi shubъsiz. Tumanda turizmni rivojlantirishga ham bosh omil sifatida qaralayotgani eъtiborlidir.

– Mustaқilligimizning 29 yilligi nişonlanadigan yilda tumanda qurilish, yaratuvchilik meъnatiga aloҳida aҳamiyat qaratilgan, – deydi tumani hokimligi qurilish bўlimi muthaxassisi Aziz Narziyev. – Investitsiya dasturiga kiriritilgan obyektlar bilan bir qatorda tadbirkorlar maъlagi hisobiga katta yomushlar bajarilishi kўzda tutilgani, ayniqsa karakterlidir. Misol uchun, yўlovchi va ziёratchilarga qulaylik yaratish maqsadida «Registon metall baraka» jamiyati tomonidan Toshkent – Qarshi avtomobilъ yўli eъkasida kўrkam meъmonxona, qurilish materiallari ishlab chiqarish va savdo majmuasi tiklashga kirishilgan. Yana bir tadbirkorimiz xitoylik investidorlar ishtirokida meъmonxona va logistika markazini bunёд etishga aҳd qilgan.

Tuman Samarqand shahriga tutashib ketgani bois, bu erda turizmni rivojlantirish, horijiy sayёhlarini jalb qiladigan kungilochar maskanlar yaratishga jiddiy aҳamiyat qaratilayotganligi ayni muddoirdir. Bu erda meъmonxonalarini kўpaytirishga kirishilgani yaxshi samara berishiga ishonchimiz komil. Qadimiy kentning tarixiy qismisi – Konigil maъallasida rўbga chiqarilayotgan goъlar, ayniqsa kўpchilikka manzur tuşishiga shak-shubъa yўq. Ish-bilarmon oila vakillari sayёhlariga ota-bobolarimiz udumlarini eslatuvchi jaraёнlarini ўz ichiga olgan manzillar yaratishga bel bogъlagan. Uch gektar maydonni eъgallagan saъyat-chilar qishlofiga tashrif buyurganlar mahsus yўlakda harakat qilib kўradilar, kulolchilik, qogoz ishlab chiqarish, tandirda non eъlish sir-asrorlari bilan tanişadilar.

Tumanda sayёhlarini jalb etishda togli zonalarda qurilayotgan dam olish maskanlari, meъmon uylari aloҳida ўrin tuşishi shubъsiz. Masalan, Oқbўyro tepaligida qad rostlayotgan gўsha toғ turizmi ishki-bozorlarining sevimli joyiga aylanişini uchun astoydil joy hozirlanmokda. Xullas, tumani yangi qurilishlar hisobiga sayёhlikdan katta daromad olishga intilayotganligi bar-chani mamnun etadi, albatta.

Ҳамза ШУКУРОВ, «O'zbekiston bunyodkori» muxbiri.

ПАНДЕМИЯГА ҚАРШИ КУРАШ ТАНҚИДИЙ ТАХЛИЛ ҚИЛИНДИ, ИШНИ ЯНГИТДАН ТАШКИЛ ЭТИШ БЕЛГИЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тошкент шаҳрида мавжуд 16 та клиникага қўшимча COVID-19га шубҳали беморлар учун мўлжалланган яна 7 та 850 ўринли «привизор» клиникалар ташкил қилинди. Ушбу клиникаларнинг тиббиёт ходимлари-га ҳар бир иш кунини учун ойлик маошининг 6 фоизи миқдориди астама ҳақ тўлаш масаласи ҳал қилинди.

Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, бугундан бошлаб коронавирусга чалинган беморлар билан ишлаётган ҳар бир махсус шифохонада алоҳида тижорат банкининг кассалари ташкил қилиниб, шифокорларнинг 14 кунлик иш ҳақини жойида олиш тизими жорий этилади.

Коронавирус беморлар учун ажратилган шифохоналар қўшимча 285 донга ўпка сунъий вентиляцияси аппаратлари, 155 донга ўпкани ёрдамчи нафас олдириш ускунаси, 140 донга кислород концентратори, 200 та функциянал ётоқ билан таъминланди, дея қайд этилди йиғилишда.

«Узэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуасида ушбу вирусга шубҳали бўлган беморларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатувчи 500 ўринли Тақсимловчи марказ ташкил қилинмоқда.

Хусусий клиникаларга ҳам бундай беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун рўхсат берилди ва ҳозирда уларнинг рўйхати тузилмоқда.

Санитария-эпидемиология осойишталик агентлигининг туман бўлиmlарига коронавирусга ПЗР-анализи олишга ҳамда таҳлил жавобини Республика агентлигига юбормасдан, бевосита беморларга топшириш тартиби ўрнатилди ва бу орқали таҳлил жавобларини кутиш даври қисқарди.

Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станциясида операторларнинг меҳнат шaroити яхшиланди ва бир сменада фаолият олиб бораётган операторлар сони 40 тадан 100 нафарга етказилди. Станцияга қўшимча электр тармоғи уланди, бригадалар сони 250 тагача кўпайтирилди.

Бундан ташқари, Тошкент вилояти тез тиббий ёрдам хизмати учун жами 100 та «Дамас» амбуланс машинаси ажратилди, шулардан 25 таси жойларга тарқатилди.

Пойтахт вилоятида коронавирус касаллиги гумонланган шахсларни даволаш ва назоратини олиб бориш учун 905 шифо ўрин, диагнози тасдиқланганлар учун 210 ўрин стацио-

нар шифохона фаолият кўрсатмоқда, қўшимча 350 захира ўрин тайёрлаб қўйилди.

«Узтелеком» корхонаси томонидан уяли телефон аппаратлари тарқатилмоқда.

Коронавирус билан касалланган беморларни даволаш жараёни учун 49 хил турдаги дори воситалари захираси учун дастлабки 10 миллиард сўм пул ажратилиши режалаштирилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, 103 телефон рақамига улашиш вақти 1,5 дақиқадан 15 сониягача қисқартирилди, мурожаатларнинг асосий қисми келиб тушадиган вақт ораллигида (соат 18:00 дан 24:00 гача) энг тажрибали операторлар хизмат кўрсатиши йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, пандемияни жилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар жойларда тизимли йўлга қўйилмагани кўрсатиб ўтилди.

Жумладан, бирламчи тиббиёт бўғини, яъни оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига ёрдам бериш учун 24 соатлик иш режимида ўтказилмоқдан.

Тошкент шаҳридаги 11 та туман кўп тармоқли марказий ва 64 та оилавий поликлиникада ҳар бирида 50 дан 200 нафаргача тиббиёт ходими мавжуд бўлса-да, уларнинг аксарияти куннинг фақат биринчи ярмида беморларни қабул қилишади.

Ҳар бир поликлиникада COVID-19 инфекцияси энгил ёки симптомсиз кечаётган беморларга консултьатив ёрдам кўрсатиш учун шакллантирилган 3 та шифокордан иборат махсус мобил бригада бириктирилган бўлиши керак, аммо айрим бригадаларда умуман врач йўқ.

Деярли барча поликлиникаларда рентген-диагностика кабинетлари мавжуд, лекин уларнинг имкониятларидан умуман фойдаланилмапти.

Агар ушбу поликлиникалар аҳолига самарали патронаж хизматини амалга оширсин, табиийки, 103 рақамли тез тиббий ёрдамга босим қисқаради ва аҳоли орасида саросима юзага келишининг олди олинади.

Бош вазир ўринбосари Бехзод Мусаев ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига пойтахтдаги 75 та поликлиниканинг имкониятларини, ушбу муассасаларда фаолият олиб бораётган 3 мингдан ортқ шифокор ва ҳамширани инфекция энгил ва симптомсиз кечаётган беморларга хизмат кўрсатишга 24 соатлик узлуксиз режимда тўлиқ сафарбар қилиш топшириғи берилди.

Шунингдек, ушбу фаолиятга жалб қилинаётган шифокор ва ҳамширалар меҳнатини рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Ундан ташқари, пандемия даврида ҳар бир беморни даволаш учун кислородга эҳтиёж кескин ортади. Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация маркази, Тошкент шаҳар 1-сон клиник шифохонаси, Республика биринчи ва иккинчи сон клиник касалхонасида ҳамда барча янги очилаётган «привизор» шифохоналарида 1 000 дан ортқ кислород ўтказадиган нуқталар сонини кўпайтириш зарурлиғи таъкидланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ички ишлар вазирлиғи ҳамда ҳар бир туман ҳокими ўз ҳудудда жойлашган тиббиёт муассасаларини доимий асосда кислород билан тўлдириб боришга шахсан масъуллиги белгиланди.

Чет давлатларда ўпкаси яллиғланган ҳар бир бемор учун зудлик билан кислород концентраторларига махсус ниқоблар кийгизиш орқали ҳаво олишини энгиллаштириб, қўлига пульсоксиметр тақилмоқда ва бу билан беморнинг нафас етишмовчилиги бартараф қилинмоқда. Бош вазирга мазкур тиббиёт жиҳозларини имкон қадар қисқа муддатларда мамлакатимизга етказиш топшириғи берилди.

Бунинг учун, агар керак бўлса, махсус самолёт ажратилиши, тадбиркорлар томонидан кислород концентраторларини Ўзбекистонга олиб кириш тартиб-таомилларини энгиллаштириш чоралари кўрилиши лозимлиги қайд этилди.

Беморларни даволаш учун зарур дори-дармон воситалари захираларини яратиш мақсадида қўшимча равишда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳокимликлари тегислича 20 миллиард ва 10 миллиард сўм маблағларни «Дори-дармон» акциядорлик компаниясига айланма маблағ сифатида ажратилиши белгиланди.

Коронавирусни даволаймиш деб, деярли барча ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари тўлдириб ташланди, – деди давлатимиз раҳбари. – Натижада сурункали касаллиги бор беморлар малакали тиббий хизматдан деярли маҳрум бўлди.

Мутасаддиларга сурункали касалликларни даволашга ихтисослашган шифохоналардаги коронавирусга чалинган беморларни бошқа жойларга,

шу жумладан, хусусий клиникаларга кўчириш орқали сурункали хасталиги бор беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатилишини қайта тиклаш чораларини кўриш топшириғи берилди.

Коронавирусга чалинган фуқаролар сони янада ошиб бориши ҳеч гап эмас, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев. Шу муносабат билан қисқа муддатларда ушбу касалликка чалинганларни даволаш учун яратилган қўшимча ўрин-жойлар сонини, биринчи навбатда, олийгоҳлар ётоқхоналари, ёпиқ спорт майдонлари ва бошқа сифими катта бино-иншоотлар ҳисобига, камиди икки-уч баробарга оширилишини таъминлаш вазифаси қўйилди.

Пандемиянинг салбий оқибатларини жилаш ва ҳар бир раҳбарнинг масъулиятини ошириш, фидокорлик кўрсатаётган тиббиёт ходимларини рағбатлантириш ишлари давом эттирилади.

Касаллик ўчоғида ўз жонини гаровга тикиб, ҳар бир касални ўлим ёқасидан олиб чиқаётган шифокорларимизни давлат мукофоти билан тақдирлаш бўйича тақлифлар киритиш топшириғи берилди.

Президентимиз қайд этганидек, бугунги кунда республика ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилган ҳар қандай харажат устувор равишда пандемияга қарши кураш тадбирларига қаратилиши шарт. Бундан муҳим харажатлар бўлиши мумкин эмас.

Шаҳар ва туман ҳокимлари 24 соат давомида ҳар бир касалхонадаги вазиятни жилаш туришига масъул ҳисобланади ҳамда улар узлуксиз ва муаммосиз ишлашига шароит яратиб беришга жавобгар деб белгиланди.

Шунингдек, янги харид қилинаётган тез тиббий ёрдам автомобиллари фаолияти узлуксизлигини таъминлаш мақсадида иқтисодиётнинг турли соҳаларидан, биринчи навбатда, фаолияти тўхтатилиши оқибатида даромадсиз қолган йўловчи ташувчи жамоат транспорти уюшмаларининг малакали ҳайдовчилари жалб этилиши юзасидан вазифалар белгиланди.

Барча сектор раҳбарлари иш кунини эрталабдан ўз ҳудудларида касалхоналардаги аҳолини ўрганиш билан бошлаши қатъиян белгиланди.

Ҳар бир раҳбар бугунги кунда фуқароларимизнинг соғлиғини сақлаб қолишдан муҳим вазифаси йўқлигини англаши шарт, – деди Президентимиз Шавкат Мирзиёев.

Ў.А.

АҲОЛИ СОҒЛИҒИ ВА ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРЛИГИ – ҲАЁТИЙ МУҲИМ ВАЗИФАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу сержатимиз беш ойда Президентимиз раҳбари эпидемиология қатор фармон ва қарорлар қабул қилди. Уларга мувофиқ, аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектлари имкон даражасида қўллаб-қувватланмоқда.

Давлатимиз раҳбари эпидемиология ҳолатини жиддий назоратга олган. Деярли ҳар бир йиғилишда бу масалага эътибор қаратилмоқда. Маълумки, аввалроқ пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида коронавирус билан боғлиқ вазият ҳар томонлама таҳлил қилинган эди. Бу галги видеоселектор йиғилишида барча ҳудудлардаги аҳоли, долзарб чора-тадбирлар муҳокама этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоят ҳокимлари касаллик кўрсаткичлари, даволанаётганлар сони ва бу борада яратилган захира ўринлари бўйича ҳисобот берди. Аҳоли мурожаатлари, шовилинч тиббий ёрдам машиналари, дори-дармон таъминоти бўйича ҳолат таҳлил қилинди.

Йиғилишда жойлардаги муаммолар очиқ муҳокама қилинди. Коронавирусга қарши кураш учун қайси ҳудудга қандай техника ва воситалар кераклиги белгиланди. Президент мутасаддиларга вазиятнинг ҳақиқий ҳолатини реал вақт режимида назорат қилиб, юзга келаётган муаммоларни тезкор ҳал этиб бориш бўйича қатъий топшириқ берди.

Даволаш ишларини сифатли ва хавфсиз ташкил этиш, шу билан бирга, аҳоли ва объектларни дезинфекция воситалари билан таъминлаб, касаллик юқишининг олдини олиш муҳимлиги таъкидланди.

Ҳар бир ҳудуд эҳтиёждан келиб чиқиб, етарлича дори-дармон, тиббий буюмлар ва тест тизимлари билан таъминлаш, тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш манбалари белгиланди.

Шунингдек, видеоселекторда ҳудудлар раҳбарлари пандемия шароитида иқтисодиётни барқарор

ривожлантириш, инвестиция жалб қилиш ва экспорт ҳажминини ошириш борасидаги 6 ойлик якунлари бўйича ҳам ҳисобот берилди.

Кескин суръатларда давом этаётган пандемиянинг иқтисодиётга кўрсатаётган таъсирини аввалдан баҳолаш ва мамлакат макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш, инвестицион лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш, қишлоқ ҳўжалиғи, саноат ва қурилиш соҳасидаги прогнозларни бажариш, экспортни кўпайтириш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар натижалари таҳлил қилинди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир ҳудуддаги корхоналарда пул тушумлари камайганини қайд этиб, 2020 йил 1 октябрга қадар тижорат банклари билан бирга қурилиш ва саноат корхоналарининг аксар қисминини, йил якунигача эса 100 фоиз корхоналарнинг фаолиятини тиклаш бўйича топшириқ берди.

Қишлоқ ҳўжалиғи соҳасида ҳам қатор ҳудудларда иқтисодий прогнозлар бажарилмаганини кўриш мумкин. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ ҳўжалиғи ялпи маҳсулоти қиймати прогнозга нисбатан 59 миллиард сўмга кам бўлган. Бу кўрсаткич Қашқадарё вилоятида 177 миллиард, Сирдарё вилоятида 173 миллиард, Тошкент вилоятида 129 миллиард сўмни ташкил қилади.

Шавкат Мирзиёев ҳар бир ҳудудда тақрорий майдонлар ҳисобига сабазавот ва полиз маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги қолоқликларни қоплаш, аҳоли хонадонларига парранда тарқатиш ишларини жадаллаштириш ҳамда чорвачилик, балиқчилик соҳасида интенсив технологияларни кенг қўллаш, шунингдек, йил якунига қадар ҳудудлар салоҳиятини инобатга олган ҳолда қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотларини ишлаб чиқаришни 3-4 фоизга ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5886-сонли фармони ижроси юзасидан Осиё тараққийёт банки маблағлари ва бошқа кредит маблағлар ҳисобига қишлоқ жойларида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали даромади юқори бўлмаган ҳамда уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилалар учун уй-жойлар қуриш мақсадида:

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИЯТИ

2020 йилда қишлоқ жойларида кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун тадбиркорлик субъектларини танлаш юзасидан танлов савдоларини эълон қилади № 2020/01

Танлов савдолари эълон қилинган сана: 2020 йил 21 июль.

Танлов тақлифларини тақдим этиш учун охириг мuddат: эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг.

Кўп қаватли уй-жойларни қуришни молиялаштириш манбаси: тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари, тижорат банкларида олинган кредитлар ва қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар.

1. Танлов иштирокчилари куйида санаб ўтиладиган ҳар бир танлов пакетлари учун муҳрланган танлов тақлифларини тақдим этишлари мумкин.

2. Наманган вилояти ҳокимияти тадбиркорлик субъектларини куйида келтирилган лотлар бўйича кўп қаватли уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун муҳрланган танлов тақлифларини тақдим этишга тақлиф қилади.

3. Танлов савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 июнда 355-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талаблари асосида ўтказилади.

4. Танлов иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва танлов ҳужжатлари билан танишиш учун Наманган вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг куйида кўрсатилган манзили бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 22-уй, телефон: 69-227-91-47.

5. Танлов ҳужжатларини нухсасини олиш учун иштирокчилар куйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: «_____вилoяти, _____тумани, _____масивидаги, _____лот _____та кўп қаватли уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун танлов ҳужжатларини беришингизни сўрайман.» шаклида юқоридаги манзилга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.

Танлов ҳужжатларини эълон чоп этилган санадан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови танлов ташкилотчиси – Наманган вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг банк ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари нархи кейинчалик қайтариб берилмайдиган БҲМ га (базавий ҳисоблаш миқдори) тенг.

Банк ҳисоб рақами реквизитлари куйида келтирилган:

Банк: АТБ «Hamkorbank» Yuksalish филиали МҲФ: 00992 х/р: 2021 0000 8031 9675 2001 СТИР: 202 393 842.

6. Танлов тақлифлари куйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:

юқорида кўрсатиб ўтилган консалтинг марказига; тақлифларни тақдим этиш сўнги мuddатигача; лотлар руйхатида кўрсатиб ўтилган сана ва вақтгача;

танлов ҳужжатларида кўрсатилган тартибда тақлиф кафолати сифатида декларация тақдим этиш; кўп квартиралли уй-жойларни жойлаштиришнинг бош режаси, техник тавсифи ва лойиҳа эскизи;

квартиранинг бир квадрат метрининг (1 м²) реализация нархи;

кўп квартиралли уй-жойини ўз маблағлари ҳисобидан қуриш учун етарли маблағни мавжудлиги тўғрисида маълумотнома.

7. Танлов тақлифларини очилиши тақлифлар тақдим этишининг охириг кунида танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокчида куйида келтирилган манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 22-уй, телефон: 69-227-91-47.

8. Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектлари куйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

Уй типлари	Бир донга уй учун талаб этилади:				
	Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ, (сўм)	Сўнги 1 йил ичида бажарилган ўхшаш ҳажм ва характердаги битта шартнома суммаси, (сўм)	Сўнги 1 йилда бажарилган ер ишлари ҳажми м³	Сўнги 1 йилда бажарилган бетон ишлари м³	Сўнги 1 йилда қуриб битрилган объект майдони м²
Уч ва тўрт қаватли кўп квартиралли (2, 3 хонали) уйлар	2 600 000 000	2 200 000 000	200	350	600
Беш қаватли кўп квартиралли (2, 3 хонали) уйлар	3 250 000 000	2 750 000 000	250	450	800

Лотлар руйхати

Лот №	Худуд	Массив номи	Хона дон сони	Уч қаватли кўп хонадонли 2-3 хонали уйлар		Тўрт қаватли кўп хонадонли 2-3 хонали уйлар		Беш қаватли кўп хонадонли 2-3 хонали уйлар		Тақлифларни топширишнинг охириг мuddати
				сони	хонадон	сони	хонадон	сони	хонадон	
Жами				248	1	16	3	72	5	160
17	Косонсой тумани	«Тахтақўприк» МФЙ	30					1	30	2020 йил 20 август, 10.00
17	Поп тумани	«Миришкор» МФЙ	24			1	24			2020 йил 20 август, 10.20
18	Поп тумани	«Миришкор» МФЙ	24			1	24			2020 йил 20 август, 10.40
19	Поп тумани	«Миришкор» МФЙ	24			1	24			2020 йил 20 август, 11.00
20	Уйчи тумани	«Янгибек» МФЙ	16	1	16					2020 йил 20 август, 11.20
21	Учқўрғон тумани	«Саноат» МФЙ	40					1	40	2020 йил 20 август, 11.40
22	Чортоқ тумани	«Дўстлик» МФЙ	30					1	30	2020 йил 20 август, 12.00
23	Чуст тумани	«Садача» МФЙ	30					1	30	2020 йил 20 август, 12.20
24	Янгиқўрғон тумани	«Обод» МФЙ	30					1	30	2020 йил 20 август, 12.40

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Амударё» ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Т/р	Объект номи	Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда	Қурилиш муддати, календарь кун
1.	Хоразм вилояти, Гурлан ветка тизимида сув тақсимлаш гидроузелини қайта таъмирлаш	1 479 976 470	122

Буортмачи: «Амударё» ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси
Манзили: Урганч шаҳри, Аз-Замахшарий кўчаси, 63-уй.
Телефон: 62-227-33-74.
Молиялаштириш манбаси: Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Тендер ташкилотчисига оферталарни тақдим этишни охириги муддати – 2020 йил 29 июль кун, соат 12.00 гача қуйидаги манзилда: Урганч шаҳар П. Махмуд кўчаси, 10-уй. Тақлифларни очиш тендер эълон қилинган санадан бошлаб 15 (ун беш) кундан кейин 2020 йил 29 июль кун, соат 16.00дан бошлаб бўлиб ўтади.
 Эълон dxarid.uzex.uz сайтида берилган.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ Хоразм филиали

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Т/р	Объект номи	Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда	Қурилиш муддати, календарь кун
1.	Хоразм вилояти, Богот тумани, Беруний маҳалласида локал оқова сув тозалаш иншооти қурилиши	2 117 690 336	120

Буортмачи: «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ Хоразм филиали.
Манзили: Урганч шаҳар Хонқа кўчаси, 36/2-уй.
Тел.: 62-224-16-65.

Молиялаштириш манбаси: Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.
 Эълон dxarid.uzex.uz сайтида берилган.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Хоразм вилояти ҳокимлиги «Ягона буортмачи хизмати» инжиниринг компанияси

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Т/р	Объект номи	Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда	Қурилиш муддати, календарь кун
1.	Хоразм вилояти, Тупроққалъа тумани, Питнак шаҳридаги мавжуд ҳокимият биносини реконструкция қилиш	5 332 625347	150

Буортмачи: Хоразм вилоят ҳокимлиги «Ягона буортмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
Манзили: Урганч шаҳар Ал-Хоразмий кўчаси, 23-уй.
Тел.: 62-223-09-29.

Молиялаштириш манбаси: Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.
 Эълон dxarid.uzex.uz сайтида берилган.

Гурлан тумани ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш дирекцияси

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Т/р	Объект номи	Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда	Қурилиш муддати, календарь кун
1.	Хоразм вилояти, Гурлан тумани марказида жойлашган собиқ ётоқхонанинг 3 қаватли кўп хонадонли биносини қайта реконструкция қилиш	6 653 613 388	75

Буортмачи: Гурлан тумани ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш дирекцияси.
Манзили: Гурлан тумани, Мустақиллик шоҳқўчаси, 4-уй.
Тел.: 97-526-21-23.

Молиялаштириш манбаси: Ўзбекистон Республикаси Касаба уюмлари Федерацияси ва аҳолиси маблағлари ҳисобидан.
 Эълон exarid.uzex.uz сайтида берилган.

Барча объектларга тааллуқли:

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва таърибли бўлишлари шарт.
 Тақлифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер тақлифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солигидан озоод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
 Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги тақлифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Хоразм вилояти қурилишида танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказига иш кунлари, соат 9.00дан 18.00гача қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиши мумкин: Урганч шаҳар П. Махмуд кўчаси, 10-уй. Тел.: 62 228-51-99.
 Телеграмм учун: 97-456-31-84.
 Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буортмачи томонидан жойлаштирилган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталдан юклаб олиш мумкин.

2,3,4-объектларга тааллуқли:

Тақлифлар тендер ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда 2020 йил 3 август кун, соат 10.00гача қабул қилинади.
 Тақлифларни очиш тендер эълон қилинган санадан бошлаб 15 (ун беш) кундан кейин, 2020 йил 3 август кун, соат 10.00 дан бошлаб қуйидаги манзилда бўлиб ўтади: Урганч шаҳар Ал-Хоразмий кўчаси, 23-уй.

«Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида такроран ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармасининг 2020 йил 20 июлдаги 225-сонли алоқа хатига асосан Нукус шаҳри, Т. Қайбергенов кўчаси, 23-уйда сақланаётган 2005 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 235 КАА бўлган, қониқарсиз таъмирталаб ҳолатдаги МАТИЗ русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси – 15 389 100 сўм.**
 Аукцион савдолари 2020 йил 31 июль кун, соат 11.00 дан бошлаб Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй манзилида жойлашган «Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖ биносида ўтказилади.
 Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: аукцион савдосидан бир кун олдин, соат 18.00 тўхта-тилади.
 Мазкур автомашина 2020 йил 31 июль кун сотилмаган тақдирда, такроран аукцион савдоси 2020 йил 10 август кун, соат 11.00 дан бошлаб кўрсатилган манзилда бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.
 Савдо ғолиби деб топилган шахсга 20 иш кун ичи-

да сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан шанба ва яшанбадан ташқари ҳар кун бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).
 Савдога қатнашиш учун талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖнинг ОАТ «Турон банк» Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 2049 4201 6001 МФО 00585 СТИР 302 129 374 ОКОНХ 84200.
 Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй.
 Тел.: (61) 222-84-44.
 Расмий сайт: www.rmm.uz
 9506 рақамли гувоҳнома.

ТУЗАТИШ

«O'zbekiston bunyodkori» газетасининг 2020 йил 3 июлдаги 50-51-сонида чоп этилган Наманган вилоятида 2020 йилда қишлоқ жойларида кўп қаватли уй жойлар қуриш учун тадбиркорлик субъектларини танлаш юзасидан танлов савдолари эълонига қисман ўзгартириш киритилганини инобатга олган ҳолда қуйидагича ўқилишини сўраймиз.

Лотлар рўйхати

Лот №	Худуд	Массив номи	Хона дон сони	Тўрт қаватли кўп хонадонли 2-3 хонали уйлар		Беш қаватли кўп хонадонли 2-3 хонали уйлар		Олти қаватли кўп хонадонли 2-3 хонали уйлар		Тақлифларни топширишнинг охириги муддати
				сони	хонадон	сони	хонадон	сони	хонадон	
Жами			462	6	144	9	258	1	60	
1	Косонсой тумани	«Тахтақўприк» МФЙ	30			1	30			2020 йил 3 август, 10.00
2	Мингбулоқ тумани	«Мустақиллик» МФЙ	24	1	24					2020 йил 3 август, 10.20
3	Мингбулоқ тумани	«Мустақиллик» МФЙ	24	1	24					2020 йил 3 август, 10.40
4	Наманган тумани	«Кичик Тошбулоқ» МФЙ	60					1	60	2020 йил 3 август, 11.00
5	Норин тумани	«Бузилмас» МФЙ	24			1	24			2020 йил 3 август, 11.20
6	Норин тумани	«Бузилмас» МФЙ	24			1	24			2020 йил 3 август, 11.40
7	Поп тумани	«Миришкор» МФЙ	24	1	24					2020 йил 3 август, 12.00
8	Поп тумани	«Миришкор» МФЙ	24	1	24					2020 йил 3 август, 12.20
9	Тўрақўрғон тумани	«Чуст кўприк» МФЙ	50			1	50			2020 йил 3 август, 12.40
10	Уйчи тумани	«Хуррият» МФЙ	24	1	24					2020 йил 3 август, 14.00
11	Уйчи тумани	«Хуррият» МФЙ	24	1	24					2020 йил 3 август, 14.20
12	Учқўрғон тумани	«Саноат» МФЙ	40			1	40			2020 йил 3 август, 14.40
13	Чортоқ тумани	«Дўстлик» МФЙ	30			1	30			2020 йил 3 август, 15.20
14	Чуст тумани	«Садача» МФЙ	30			1	30			2020 йил 3 август, 15.40
15	Янгиқўрғон тумани	«Обод» МФЙ	30			1	30			2020 йил 3 август, 16.00

Изоҳ: Наманган тумани, «Кичик Тошбулоқ» МФЙдаги хонадон сони 60 та бўлиб, шундан 55 таси ОТБ маблағлари, 5 таси ғолиб пудратчи ташкилот ҳисобидан, Тўрақўрғон тумани, «Чуст кўприк» МФЙдаги хонадон 50 та бўлиб, шундан 45 таси ОТБ маблағлари ҳисобидан, 5 таси ғолиб пудрат ташкилоти ҳисобидан қурилади.

ТУЗАТИШ

«O'zbekiston bunyodkori» газетасининг 2020 йил 3 июль 50-51-сонида Сурхондарё вилояти ҳокимияти томонидан берилган эълондаги лотлар рақамига қуйидагича ўзгартиришлар киритилди:

Лот №	Худуд	Массив номи	Хонадон сони	Тўрт қаватли кўп хонадонли 2-3 хонали уйлар		Беш қаватли кўп хонадонли 2-3 хонали уйлар		Етти қаватли кўп хонадонли 2-3 хонали уйлар		Тақлифларни топширишнинг охириги муддати
				сони	хонадон	сони	хонадон	сони	хонадон	
Жами			452	2	72	10	338	1	42	
1	Денов	«Лочин»	42					1	42	2020 йил 2 август, 11.00
2	Қумқўрғон тумани	«Дўстлик»	42			1	42			2020 йил 2 август, 11.00
3	Қумқўрғон тумани	«Дўстлик»	42			1	42			2020 йил 2 август, 11.00
4	Ангор тумани	«Шарқ гули»	32			1	32			2020 йил 2 август, 11.00
5	Ангор тумани	«Шарқ гули»	32			1	32			2020 йил 2 август, 11.00
6	Бойсун тумани	«Работ»	36	1	36					2020 йил 2 август, 11.00
7	Бойсун тумани	«Работ»	36	1	36					2020 йил 2 август, 11.00
8	Олтинсой тумани	«Ипоқ»	30			1	30			2020 йил 2 август, 11.00
9	Олтинсой тумани	«Ипоқ»	30			1	30			2020 йил 2 август, 11.00
10	Шўрчи	«Бўстон»	30			1	30			2020 йил 2 август, 11.00
11	Шўрчи	«Бўстон»	30			1	30			2020 йил 2 август, 11.00
12	Шербод тумани	«Тароқли»	35			1	35			2020 йил 2 август, 11.00
13	Шербод тумани	«Тароқли»	35			1	35			2020 йил 2 август, 11.00

«REZOLYUT TRANS TRADING» МЧЖ

«O'zbekiston bunyodkori» газетасининг 2020 йил 8 майдаги 33-34 (382-383)-сонида берилган эълондаги 2020 йил 22 ва 29 июль кун, соат 11.00 га белгиланган такроран аукцион савдолари 2020 йил 5 ва 12 август кунлари, соат 11.00 га қўйрилганини маълум қилади.
 Тел.: (71) 236-25-53. 531168 рақамли гувоҳнома.

«Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ

объектнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига «Қаршимасусэнегеромонтаж» МЧЖга қарашли қуйидаги кўчмас мулк қўйилади:
 Қарши шаҳар «Ғ. Фулом» МФЙ, Жайхун кўчасида жойлашган қурилиш майдони 76,0 квадрат метр бўлган Литер 0003 ёрдамчи биноси. Бошланғич баҳоси – 60 080 000 сўм.
 Аукцион савдоси 2020 йил 20 август кун, соат 11.00 дан бошлаб «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ офиси биносида ўтказилади.
 Очик аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар эълон чиққан санадан бошлаб ҳар кун (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ офиси биносида қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш 2020 йил 18 август кун,

соат 16.00 да тўхтаилади. Савдо ғолибига сотувчи билан аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун муддатда олди-сотди шартномасини тузиш ва тўловларни сотувчи билан тузиладиган олди-сотди шартномасига асосан амалга ошириш мажбурияти юклатилади.
 Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар кўрсатилган объектни сотиб олиш учун буюртманомалар, «Закалат пули тўғрисида келишув»га асосан савдога қўйилган объект бошланғич баҳосининг 5 (беш) фоизи миқдорда закалат пули тўланганини тасдиқловчи ҳужжат, жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, юридик шахслар учун корхона (ташкилот) устави ҳамда ваколатли шахс номига берилган ишончнома тақдим қилишлари шарт. Кўрсатилган ахборот-маслаҳат хизматлари учун қўшимча равишда энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдорда ҳақ олинади.
 Закалат пулини тўлаш учун рекузитлар: «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ, АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё вилояти филиали МФО 00190 ҳисоб рақами 2020 8000 5049 4256 0001 СТИР 302 126 648.
Манзил: Қарши шаҳри, 4-митти туман.
Мўлжал: «Парвина» кафеси.
Телефон: (95) 505-08-99.
E-mail: ikoskarshi@yandex.com
Расмий сайт: www.ikos.uz
 Хизматлар лицензияланган.
 RR-0111-сонли лицензия.

ФОТОРЕПОРТАЖ

ЭЛТОЙ –
сахро бағридаги
мўъжиза

Навоий вилояти Конимех тумани худудидagi Элтой овулида
200 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

Худудда чорвачилик турмушининг муҳим қисмига айланган. Аҳолининг аксар қисми ушбу соҳа билан шуғулланиб, рўзгор тевратлади.

Элтойликлар қадим анъаналар, урф-одатлар, маданий мерос намуналарини асрлар оша асраб-авайлаб келмоқда. Бу ерда дўмбира садоси остида халқ термаларини, ялла ва лапарларни маҳорат билан ижро этадиган кишиларни кўплаб учратиш мумкин.

Утган 2019 йили «Обод қишлоқ» дастури доирасида Элтой овулида кенг қўламдаги бун-

ёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ички йўллар асфальт қилиниб, йўл бўйига тунги чироклар ўрнатилди. Шунингдек, аҳоли хонадонлари таъмирланди, янги мактаб барпо этилди ва ичимлик суви тармоғи янгиланди. Мухтасар айтганда, овул «Сахро бағридаги мўъжизавий маскан»га айланди.

Суратларда: Навоий вилояти Конимех тумани худудидagi Элтой овулида.

Сирож АСЛОНОВ (ЎЗА) олган суратлар.

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Янги бино фойдаланишга
топширилди

Олмалик шаҳрида вилоят
Қуриқлаш бошқармаси 4-алоҳида
батальони учун янги қуриб
битказилган бинонинг расман
очилиш маросими бўлиб ўтди.

Замонавий услубда қурилган бино худудида ходимларнинг хизмат олиб боришлари, уқ отиш машғулотлари ҳамда маънавий-маърифий соат-

лар ўтказилиши учун алоҳида махсус жиҳозланган хоналар мавжуд. Бундан ташқари, психолог хонаси, ёзи ва қишки спорт майдончалари ташкил этилган.

Бинода техник қуриқлаш маркази ҳам ишга туширилиб, ушбу марказ ёрдамида объект ва фуқаро хонадонларини симсиз алоқа орқали қуриқлашни таъминлаш йўлга қўйилган. Техник қуриқлаш марказининг тезкор ҳаракатланувчи гуруҳи ходимларига янги «Нексия-3» русумли автомобиллар ЖПС қурилмалари билан жиҳозланган ҳолда бириктирилди.

Аҳоли учун уй-жойлар
бунёд этилмоқда

Тошкент вилоятида аҳоли
учун янги турар жой массивлари
қуриш учун имкониятлар излаб
топилмоқда.

Хусусан, Олмалик шаҳрининг 8-Март, Интизор, Фарғона ва Юксалиш кўчалари кесилган худуддаги авария ҳолатида бўлган 5 та 2 қават-

ли каркас (барак) уйлар бузилиб, ўрнида «Guber Global Contract» МЧЖ томонидан 2020-2021 йилларда 11 та замонавий 7 қаватли уйлар қурилиши режалаштирилган.

Жорий йилда ушбу лойиҳанинг 5 таси амалга оширилиши белгиланиб, ҳозирда уйларга пойдевор қуйиш ишлари бошланди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати.

В период пандемии, а также глобальных климатических и экономических изменений инженеры и архитекторы приступили к поиску иных способов и путей решения конструктивных, архитектурных и дизайнерских вопросов. К примеру, использование зелёных растений, натуральных природных и переработанных материалов в горизонтальной и вертикальной плоскости, внутри помещений и на открытом воздухе, с использованием стен и кровли зданий в 2020 и 2021 годах станет заметным трендом в больших городах.

Как меняется архитектура и дизайн
в 2020 и 2021 годах

Подрядчики постепенно переходят на более долговечные материалы и оборудование. Увеличение продолжительности использования и срока службы используемых материалов и устройств позволяет уменьшить количество отходов. Производители оборудования также стремятся создавать приборы и устройства, позволяющие повысить производительность труда без ущерба для окружающей среды. Индустриализм способствует использованию железа, алюминия, дерева и даже переработанного пластика для снижения затрат на строительство.

Тенденция к минимализму в архитектуре выражается в приверженности к простым формам с использованием современных и авангардных материалов. Дизайн в стиле минимализм очень востребован для жилых домов и гостиниц, а также для офисных зданий и торговых центров. В дизайне в стиле минимализм в новом прочтении прослеживается тенденция использовать качественные материалы для обеспечения тепловой и акустической изоляции, что приводит к экономии средств и заботе об уровне шумового воздействия.

Шум – это загрязнитель, которому мы подвергаемся внутри и снаружи наших домов. Именно поэтому все чаще и чаще архитектурные проекты выполняются с учетом этого раздражающего фактора. Для этой цели архитекторы и конструкторы используют материалы и элементы, которые минимизируют шум внутри зданий.

В то же время, архитектурные проекты разрабатываются таким образом, чтобы здания освещались естественным солнечным светом. И, в то же время, есть тенденции, которые интегрируют искусственное освещение самым естественным образом, фокусируясь на определенную зону или с помощью незаметного рассеивания теплового света.

РАЗВИТИЕ OUTDOOR

Это максимальное внимание обустройству пространства на открытом воздухе. Дизайн и обустройство балконов, открытых и застекленных террас и патио вновь обретают величие. Дизайн пространства под открытым небом становится не менее важным, чем дизайн внутри помещений. Правильное кондиционирование и солнцезащита позволят использовать и наслаждаться таким пространством в течение всего года.

Панорамное остекление террас и зимних садов с текстильной солнцезащитной системой, которая позволяет создавать комфортный климат внутри, будет набирать популярность. Уличное про-

странство рядом с домом будет становиться стильным и функциональным местом для отдыха. В дизайне и обустройстве зоны отдыха будут использоваться специализированные климатические материалы с длительным сроком службы, удобные, функциональные и при этом стильные элементы.

При разработке архитектуры пространства уличной зоны отдыха все чаще архитекторы отдают предпочтение по-настоящему открытому пространству без стен. При этом предусматривают возможность комфортного пребывания на улице в течение всего дня.

Например, одним из мировых трендов в создании тени становится стильное и функциональное решение – система теневых парусов. Такие солнцезащитные паруса блокируют вредное излучение; могут защищать не только от солнца, но и от дождя и даже снега, в зависимости от применяемого материала. Теневые паруса позволяют выделить открытую зону отдыха и, с поглощением изогнутых пространственных форм, создать футуристическую дизайнерскую инсталляцию. Уличные террасы можно использовать в течение всего года, если вы их должным образом подготавливаете.

«ПАССИВНЫЙ ДОМ»



Дом, который сохраняет энергию за счет низкого энергопотребления и, в некоторых случаях, самообеспечения (с помощью альтернативных источников энергии, вырабатываемой специализированными устройствами).

Возникновение такого направления в архитектуре, как пассивный дом, стало философией жизни и способом понимания того, как должны развиваться отношения с окружающей средой.

Архитектурный дизайн в таких эко домах имеет основной целью использование имеющихся ресурсов, максимизируя экономию энергии. Таким образом, пассивные дома не только обеспечивают комфортную жизнь своим владельцам, но и способствуют улучшению здоровья и качества жизни тех, кто их населяет.

Забота об окружающей среде и приверженность к ее охране – важные социальные аспекты, которые нашли отражение в архитектурных тенденциях 2020 года.

Архитектура и дизайн меняются к лучшему. Экологически чистые технологии и «зелёный» дизайн, максимальное обустройство уличных пространств, технологии «умного дома», «пассивного дома», трансформация жилых помещений окажутся решающими факторами в строительстве, архитектуре и дизайне ближайшего времени.

Подготовила Дильфуза ХАБИБОВА.



Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги жамоаси Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирининг ўринбосари Эркин Искандаровга онаси
Ривоят ТОЖИДИНОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги жамоаси вазирлик ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектори
Равшанбой Мамутович АМЕТОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги жамоаси вазирлик ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг етакчи инспектори Туйғун Эргашевга онаси
Малахат ИСАКОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги жамоаси Тошкент архитектура-қурилиш институти геодезия ва кадастр кафедраси профессори
Шухрат Курвантаевич АВЧИЕВИНнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги жамоаси Тошкент архитектура-қурилиш институти Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари технологияси кафедраси профессори, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Архитектура, қурилиш, дизайн ва шаҳарсозлик фанлари бўйича илмий-техник кенгаш раиси
Абдуқобил Абдунабиевич ТўЛАГАНОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Бухоро вилояти қурилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси жамоаси «Бухоро қурилиш монолит» масъулияти чекланган жамияти қурилиш-пудрат корхонаси раҳбари
Фахритдин Аманович ЛАТИПОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Бухоро вилояти қурилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси жамоаси «Бухорогазсанокатурилиш» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси
Рашид Камолович ЖАМОЛОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

Бош директор – Дилшод Жалолов

Тахрир хайъати:
Батир Закиров (Тахрир хайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Мағрупов, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

Тахририят:
Бош муҳаррир
Саҳифаловчи
Мусахҳих

Дилшод Жалолов
Акmal Махкамов
Райҳон Таниқуллова

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсанокатурилишматериаллари» уюмаси,
«ЎзГАСҲЛИТИ» ДУК «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
71-244-15-05 (реклама ва обшна бўлими)
«ЎзгеорангемТИТИ» ДУК.

Тахририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй
Телефонлар: 71-244-21-71 (қўбўлона),
71-244-15-13 (копиячи), 71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обшна бўлими)
E-mail: unbunyodkori@uzmail.uz

Вилоят муҳбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва
Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87
Қорақалпоғистон Республикаси ва
Хоразм вилояти бўйича: 97-459-74-85
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-753.
2170 нускада босилди. Қўғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет услубида босилган.
Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762.

Тахририятга келган қўбўлмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буёқ Тўрон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Д. Жалолов.
Навбатчи – Б. Гулмамодов.
ЎЗА яқини – 23.55. Топширилди – 00.40.